

Қийинчилик ёки хафачилик етганда ўқиладиган дуо



08:14 / 21.11.2024 1842

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар менга бирор қийинчилик ёки хафачилик етса, қуйидаги калималарни айтишни таълим бердилар:

مُرِّي رَكَلًا هَلَلًا أَلَّا أَلَّيْهِ أَلَّا
كَرَّابَتٌ هُنَّا حُبُّسٌ مُرِّي ظُعَلًا

مِ يَظْعَلُ اِشْرَعُ اَبْرُهَلَلِ ا نِ يَمَلْ اَعْلُ اَبْرُهَلَلِ دَمْحَلِ ا

**«Лаа илаҳа иллаллоҳу каримул ʻазийм. Субҳанаҳу табарокаллоҳу
роббул ʻаршил ʻазийм. Алҳамду лиллаҳи роббил ʻаламийн».**

(Маъноси: Улуғ ва карим сифатли Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Улуғ арш
рабби Аллоҳ баракотли ва покдир. Оламлар рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Насайй ва Ибн Сунний ривоятлари.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳам ушбу калималарни таълим бериб, безгак
касалига пуфлаб, бегоналарга узатган қизларига ҳам ўргатардилар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан